

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 330.101.(541)

САЙФУЛЛАЕВ САРДОР САЙДУЛЛА ЎҒЛИ

**Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг
самарадорлигини баҳолаш**

5А 230103 – “Макроиқтисодиёт”

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. А.Т.Ахмедиева



Тошкент – 2019

Диссертацияда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг мазмун моҳияти очиқ берилган, ҳозирги кундаги мақсадлари ёритилган, иқтисодий ривожланишдаги зарурияти асосланган. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги баҳоланган ва уни ошириш йўллари таклиф этилган.

The thesis reveals the essence and importance of economic reforms carried out in the Republic of Uzbekistan, identified the purpose and objectives of economic reforms. The paper assesses the effectiveness of economic reforms and reveals the impact of the reforms on the sustainable development of the economy of Uzbekistan. The thesis also suggests ways to increase the effectiveness of economic reforms.

В диссертации раскрыта сущность и значение экономических реформ проводимых в Республике Узбекистан, выявлены цель и задачи проведения экономических реформ. В работе проделана оценка эффективности экономических реформ и выявлена влияние проводимых реформ на устойчивое развитие экономики Узбекистана. В диссертации также предлагаются пути повышения эффективности проведения экономических реформ.

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодиёт” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

13 - сонли баённома « 30 » 05 2019 йил

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. А.Т.Ахмедиева  «30» 05 2019 йил

Магистрант: С.С.Сайфуллаев

 «30» 05 2019 йил

МУНДАРИЖА

		Бет
	КИРИШ	3
I боб.	ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ	7
1.1.	Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг зарурияти ва шарт-шароитлари	7
1.2.	Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги асосий мақсад	12
1.3.	Ўзбекистон Республикасида замонавий иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг янги босқичи ва унинг хусусиятлари	20
	I боб бўйича хулоса	26
II боб.	ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ...	27
2.1.	Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш босқичлари таҳлили	27
2.2.	Иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар натижалари таҳлили	36
2.3.	Ислоҳотларнинг замонавий босқичидаги дастлабки натижалар	47
	II боб бўйича хулоса	55
III боб.	ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	57
3.1.	Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда инновацион ёндашув	57
3.2.	Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш йўналишлари	63
3.3.	Ўзбекистон иқтисодиётида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари	72
	III боб бўйича хулоса	78
	ХУЛОСА	80
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислохотлар жараёнида мамлакат ривожланишини белгилаб берувчи расмий қоидалар ва нормаларни ўз ичига оловчи тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳити шаклланди. шаклланган тадбиркорлик муҳити мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларига ҳамда янгича бошқариш тизимини барпо этилишига; моддий, табиий, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш эса иқтисодий ўсишга кучли таъсир кўрсатди. натижада мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир»¹ деб таъкидладилар. Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратиб, мамлакат раҳбари сифатидаги илк мурожаатларидан биридаёқ: «Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш – буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислохотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир»², дея алоҳида таъкидлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. / Халқ сўзи. 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сон

² Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон